



Ўзбекистон ва Қозоғистон

ЎРТАСИДА МИНТАҚАВИЙ
ЭКОЛОГИК САММИТГА
ТАЙЁРГАРЛИК
МАСАЛАЛАРИ
МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

ОБОДЛИК
КЎНГИЛДАН
БОШЛАНАДИ



ЖАММИЯТ

Ижтимоий-сиёсий, экологик газета

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган

№ 4 (974)
2026 йил
14 март,
Шанба

КЕНГ ИМКОНИЯТ ВА
РАВБАТЛАР



ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ –
МИЛЛИЙ ТАРБИЯ
ЎЗАГИ



АЁЛ ВА БОЛА
ҲУҚУҚЛАРИ –
ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА



Табиат мусоффолигини таъминлаш, “Зарафшон” экологияси ҳамда Зарафшон дарёси сув хавзасини химоя қилиш, ёшларда экологик мадани-ятни юксалтириш, экологик тарбия беришда янги интерфаол усуллари хусусида мактабимизда ҳам бир қатор ишларни амалга ошираяпмиз. Ёшлар билан турли мавзуларда учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.



Ўзбекистон ва Қозоғистон

ЎРТАСИДА МИНТАҚАВИЙ ЭКОЛОГИК

Ўзбекистон Республикаси Президентининг экология масалалари бўйича маслаҳатчиси – Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси раиси Азиз Абдуҳақимов Қозоғистон Республикаси Экология ва табиий ресурслар вазири Ерлан Нисанбаев билан видеомулоқот ўтказди. Шунингдек, у Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Бейбут Атамкулов билан учрашди.

Видеомулоқот давомида томонлар Остона шаҳрида бўлиб ўтадиган Минтақавий экологик саммитда иштирок этишга тайёргарлик масалаларини муҳокама қилдилар. Асосий экологик масалалар бўйича икки давлат позицияларини мувофиқлаштириш, кун тартибдаги устувор мавзуларни белгилаш ҳамда бўлажак тадбир доирасида тақдим этилиши мумкин бўлган қўшма ташаббуслар ва баёнотларга алоҳида эътибор қаратилди.

Музокараларнинг алоҳида мавзуларидан бири ўрмон хўжалигини бошқариш соҳасидаги ҳамкорлик бўлди. Томонлар ўрмон ресурсларини барқарор бошқариш, қўшма

лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш, шунингдек, икки давлатнинг тегишли тузилмалари ўртасида илмий-техник ҳамкорликни кенгайтириш бўйича тажриба алмашиш имкониятларини кўриб чиқдилар.

Учрашув давомида сайёқларни муҳофаза қилиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандум лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди. Музокара иштирокчилари ушбу ноёб тур популяциясини асраш бўйича қўшма чораларни мувофиқлаштириш ҳамда тегишли ҳужжатни имзолаш учун зарур бўлган кейинги қадамларни белгилаш масалаларига эътибор қаратдилар.

Томонлар атмосфера ҳавоси сифати масалалари юзасидан ҳам

САММИТГА ТАЙЁРГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

фикр алмашдилар. Хусусан, мониторингнинг сўнгги маълумотлари, қўшма илмий тадқиқотлар ва экологик лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари, шунингдек, ҳаво сифатини яхшилаш бўйича давлатларaro коалиция тузиш истикболлари кўриб чиқилди.

Бундан ташқари, 2022 йил 22 декабрда имзоланган экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳукуматларaro ҳамкорлик тўғрисидаги битимни амалга ошириш бўйича амалий қадамлар муҳокама қилинди. Ушбу ҳужжат доирасида Ўзбекистон — Қозоғистон қўшма комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳамда унинг таркибини тақдим этиш масалалари кўриб чиқилди.

ни янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражасини камайтириш, жумладан, айрим саноат корхоналари ва иссиқхона хўжаликларини бошқа ҳудудларга кўчириш имкониятлари, трансчегаравий кўриқланадиган табиий ҳудудларни ривожлантириш ҳамда сайёқ популяциясини сақлаш бўйича қўшма чоралар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида экология соҳасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш умумий экологик муаммоларни самарали ҳал этиш ва минтақанинг барқарор ривожланишига хизмат қилади.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг экология масалалари бўйича маслаҳатчиси — Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси раиси Азиз Абдуҳақимов Япония атроф-муҳит вазири ўринбосари Дои Кентаро бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Музокаралар давомида томонлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, барқарор ривожланиш ҳамда замонавий экологик муаммоларга қарши кураш йўналишларида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш истикболларини муҳокама қилдилар. Шунингдек, экологик муаммолар глобал хусусиятга эга эканлиги, уларни самарали ҳал этиш ва

атроф-муҳитни ҳозирги ҳамда келажак авлодлар учун асраб-авайлаш мақсадида давлатлар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳамда Япония атроф-муҳит вазири ўртасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Мазкур ҳужжат тенглик ва ўзаро манфаат тамойиллари асосида, барқарор ривожланиш мақсадлари, миллий қонунчилик ҳамда халқaro экологик битимларни инobatга олган ҳолда ҳамкорликни ривожлантиришни назарда тутди. Меморандумга мувофиқ, ҳамкорлик иқлим ўзгаришига қарши кураш, атмосфера ҳавоси

ифлосланишини камайтириш, сув ресурслари ифлосланишининг олдини олиш ҳамда чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш каби бир қатор муҳим йўналишларни қамраб олади.

Шунингдек, учрашувлар, конференциялар, симпозиумлар ва семинарлар ўтказиш, икки мамлакат мутахассислари ва экспертлари ўртасида ахборот алмашиш орқали салоҳиятни оширишга қаратилган қўшма тадбирларни амалга ошириш ҳам режалаштирилган.

Меморандум Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги экологик ҳамкорликни янада кенгайтириш, шунингдек, атроф-муҳит ҳолатини яхшилашга қаратилган қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун мустаҳкам асос яратди.

АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ



Ҳаммамизга маълумки, 2026 йил 3 март куни Президентимиз томонидан “Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида”ги Фармон имзоланди.



АЁЛ ВА БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ — ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

Фармон билан Хотин-қизлар ва болаларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик учун жазо кучайтирилмоқда. Хусусан, Жиноят кодексининг 118 ва 119-моддаларида назарда тутилган жиноятларни вояга етмаган шахсларга нисбатан содир этганлик учун судланган шахсларни манзил-колонияларга ўтказилмайдиган маҳкумлар тоифасига киритиш ҳамда уларни психологик тузатиш дастуридан ўтмасдан сақлаш шароитларини енгилаштиришга чек қўйиш;

Жиноят кодексининг 118, 119, 121, 128, 1281 ва 129-моддаларида назарда тутилган жиноятлар бўйича терговга қадар текширув ва дастлабки терговни амалга ошириш ваколатини прокуратурага ўтказиш;

Вояга етмаганларга нисбатан жинсий эркинликка қарши жиноятлар ҳамда улар билан жинсий алоқа қилиш ва уятсиз-бузуқ ҳаракатларни содир этиш билан боғлиқ жиноятлар учун муқаддам судланган шахслар ўн тўрт ёшга тўлмаган шахснинг номусига тегиш ва ўн тўрт ёшга тўлмаган шахсга нисбатан жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш жиноятларни содир этганда уларга тегишинча умрбод озодликдан маҳрум қилиш ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазосини белгилаш;

Ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатларни бир гуруҳ шахслар томонидан содир этганлик учун жиноий жазони оғирлаштириш;

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда шахвоний шилқимлик ҳамда никоҳ ёши тўғрисидаги қонунчиликни ёки никоҳ тузиш тартибини бузишга оид ҳуқуқбузарлик учун жазони ошириш. Бунда вояга етмаган шахс билан никоҳ муносабатларига бевосита киришган шахс ҳамда никоҳ тузиш тартибини бузган бошқа шахслар (ота-оналар, диний маросимни амалга оширган шахслар) учун маъмурий жазолар-

ни қилмишининг хавфлилигидан келиб чиққан ҳолда мутаносиб равишда белгилаш;

Жиноят ишини қўзғатиш рад этилган ҳолларда ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликка тортиш тартибини такомиллаштириш;

Суд жараёнида судланувчини янги айблов бўйича жиноий жавобгарликка тортиш учун асослар ҳамда жиноий жавобгарликка тортилмаган шахс томонидан жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланганда, жазо муқаррарлигини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш;

Вояга етмаган шахсга нисбатан шахвоний шилқимлик билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш ҳужжатларини жиноят аломатлари мавжуд эмаслиги ҳақида прокурор томонидан қарор қабул қилинганидан сўнг судга юбориш тартибини жорий этиш;

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Жиноят кодексларида вояга етмаган ва бошқа шахсларни тиланчилик қилишга жалб этиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик учун, яъни ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик (МЖТК 47-моддаси); жамоат жойларида пул, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа моддий қимматликлар беришни фаол тарзда сўраб, тиланчилик билан шуғулланиш (МЖТК 1883-модда 1-қисми); вояга етмаган шахсларни тиланчилик қилишга жалб этиш (МЖТК 1883-модда 2-қисми); жамоат жойларида пул, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа моддий қимматликлар беришни фаол тарзда сўраб, тиланчилик билан шуғулланиш (ЖК 127-моддаси

1-қисми) ва вояга етмаган шахсларни тиланчилик қилишга жалб этиш (ЖК 127-моддаси 2-қисми) учун жазо санкцияларини кучайтиришни назарда тутувчи қонун лойиҳалари ишлаб чиқилади ва амалиётга кириштилади.

Яна бир эътиборли томони, аёллар ва болаларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятлар махсус тайёргарликдан ўтган терговчилар ва судьялар томонидан тергов қилиниши ва кўриб чиқиши йўлга қўйилади.

Президентимизнинг “Аёллар ва болаларга қўл кўтарган ё Ўзбекистондан кўчиб кетади ё қонун асосида яшашга мажбур бўлади”, деган қатъий фикрлари аёл ва бола ҳуқуқларини таъминлаш борасида давлатимизнинг принципиал позициясини кўрсатиб берди.

Шахзод БАХТИЁРОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Қашқадарё вилоят Деҳқонобод
туман суди раиси

Президентимизнинг “Аёллар ва болаларга қўл кўтарган ё Ўзбекистондан кўчиб кетади ё қонун асосида яшашга мажбур бўлади”, деган қатъий фикрлари аёл ва бола ҳуқуқларини таъминлаш борасида давлатимизнинг принципиал позициясини кўрсатиб берди.





«FOLUR – O‘ZBEKISTON» ТАҚДИМОТИ

Тошкент шаҳрида БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан “Ўзбекистонда озиқ-овқат тизимларининг ердан фойдаланиш ва қайта тиклашга таъсирини баҳолаш дастури” (“FOLUR – O‘zbekiston”) лойиҳаси доирасида лойиҳа бошқарув қўмитасининг тўртинчи йиғилиши бўлиб ўтди. Мазкур лойиҳа Глобал экологик фонд (GEF) томонидан молиялаштирилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси раиси ўринбосари Жусипбек Казбеков, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирининг халқаро ҳамкорлик масалалари

бўйича маслаҳатчиси Нуриддин Қўшназаров, FAO нинг Ўзбекистондаги вакили ўринбосари Шерзод Умаров, шунингдек, лойиҳа ҳамкор ташкилотлари — Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи (IUCN) ҳамда Курғоқ-

чил минтақалар бўйича қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари халқаро маркази (ICARDA) вакиллари иштирок этдилар.

Таъкидлаш жоизки, лойиҳа доирасида қишлоқ хўжалигига инновацион технологиялар жорий этилмоқда. Томорқа ер егалари ва фермер хўжаликларига томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш тизимлари, биоўғитлар ҳамда қишлоқ хўжалиги екинларининг қарийб 60 тонна уруғлари етказиб берилди. Бундан ташқари, қўшимча равишда 320 тонна уруғ тайёрланиб, фермерларга тарқатилди.

Шунингдек, Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманида сув танқислиги шароитида қишлоқ хўжалиги учун қўшимча сув манбасини яратиш ва баҳор-ёз мавсумида ерларни суғоришни таъминлаш мақсадида “Ice Stupa” сунъий музлик технологияси жорий этилди.

Учрашув якунида халқаро тадбирлар, минтакавий семинар ва тренинглар бўйича ахборот алмашилди ҳамда лойиҳани амалга оширишнинг кейинги устувор вазифалари белгилаб олинди.

Фидойилик

«ТОЗА ЖОЙДА БАРАКА БЎЛАДИ. КАСБИМДАН ФАХРЛАНАМАН»!

Азиза Мадиерова 13 йилдан бери ободонлаштириш соҳасида фаолият юритади. Ишидан уялмаслигини, аксинча, ҳалол меҳнат ортидан рўзғор тебратаетганини фахр билан таъкидлайди.

Қаҳрамонимиз ҳалол меҳнати ортидан 3 нафар қизни тарбиялаб вояга етказмоқда. У ҳар куни тонг саҳардан атроф-муҳит тозаллигини сақлаш учун ишга отланади, вазифасини сидкидилдан бажаради, меҳнатидан асло оғринмайди, ҳалол меҳнати ортидан фарзандларини тарбиялаб, илмли қилиб келмоқда.

Афсуски, орамизда дуч келган жойга чиқинди ташлаб кетадиганлар учраб туради. Азиза опанинг ана шундай инсонларнинг табиатга меҳрсизлиги, ўзи қабиладарнинг меҳнатини қадрламаслигидан кўнгли оғрийди:

«Чиқиндиларни кўчага ташлаб кетишади, сув идишларини, тамаки маҳсулотларини йўлнинг ўртасига улоқтирадиганлар бор. Рекламалар ёпиштириб кетишади. Биз эса ҳар битта рекламани ўчириб, сув билан артиб, тозалаб чиқамиз. Ишимиздан оғринмаймиз, аммо кишининг совуқ кунларида бу қаби ҳолатлар бизни бироз қийнаб қўяди».

Афсуски, баъзида кўчаларда ободонлаштириш ходимлари либосидаги тиланчилар ҳам учраб қолади. Азиза опа уларга муржа-ат қилиб, тозалик посбонларининг шаънига доғ туширмасликларини сўради:

«Тиланчилик қилиб юрадиганлар биз эмас, тиланчиликни ўзимиз ҳам ёмон кўрамыз. Болаларимизга ҳалол ризқ едирамыз».

Қаҳрамонимиз савобли ва машаққатли меҳнатининг қадрига етадиганлар ҳам кўплигини, унга савобли меҳнати учун раҳмат айтишганида касбидан яна бир бор фахрланишини ўзгача завқ билан тилга олди.

«Тоза жойда барака бўлади. Кўчадан ўтаётганлар умрингдан барака топ, ер юзини очяпсан, Яратган сенинг юзингни ёруғ қилсин, деб дуо қилишади. Ишимизни қадрлайдиганлар ҳам бор», — дейди Азиза опа.

Қаҳрамонимиз аини дамда қизларининг ўқишига катта эътибор


қаратган. У авваллари ўқиш учун шароит бўлмаганлигини, ҳозир эса барча имкониятлар яратиб берилганлигини таъкидлади:

«Имконият бўлганида ўзимиз ўқир эдик. Ҳозир эса барча шароитлар яратиб берилмоқда. Экология қўмитаси томонидан қизимнинг контракти тўлаб берилганлиги ҳам биз учун катта ёрдам бўлди».

Азиза Мадиерова бугунги тинч, осуда, баракали ҳаёти учун шукрона келтиради. У факат бир нарсани — дуч келган жойга чиқинди ташламаслик, атроф-муҳитни ифлослантормасликни, ўзи қаби бошқа тозалик посбонларининг меҳнатини қадрлашларини хоҳлайди.

Дарҳақиқат, кўча-кўйда дуч келган жойга чиқинди ташлаймиз-у, уни онамиз, опамиз ёки синглимиз тенгги аёллар кишининг совуғию ёз жазирамасига қарамай тозалаши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Шундай экан, Азиза Мадиерова қаби тозалик посбонлари меҳнатини қадрлайлик, чиқиндиларни белгиланган жойларга ташлаб, атроф-муҳитни озода сақлашга ўз ҳиссамизни қўшайлик.





Онага кўйилган обида

веради. Дуолари отилган ўқларга қалқон бўла-
веради. Бу мухтарам зот – Она! Онаси борлар
бахтли, уларга бахт ёр!

Оналар ҳақида қўшиқ бўладими, шеърми,
ҳикоями бари гўзал. Чунки, қалбдан чиқади.
Юракдан чиққани юракка етади. Оналар ҳақида
ёлгон айтиб бўлмайди.

Эҳтимол, севги, ёр ҳақидаги ашъорларнинг
саноғи йўқдир. Лекин, она ҳақида ёзилганлари
санокли. Бари севимли, бари ўқимишли. Яқин-
да ана шундай дурдоналар сафидан таникли
ижодкор Ғайрат Шералиевнинг мухтарам во-
лидаси Муҳайёхон она хотирасига бағишлан-
ган “Онам суйган олчалар” номли китоби нашр
килинди. Ушбу китобни қўлга олар эканман,
такрор варақлайман. Шеърларни ўқиб, кўз ўн-
гимда мунис сиймо – она тимсоли гавдалана
бошлайди.

Ўзимнинг онам ҳақида ўйлай бошлай-
ман. Агар ўтмишга чипта сотилса, биринчи-
лардан олиб, Майманокқа равона бўлардим.
Ўша даштларда онам билан яёв кезиб, ту-
гамас суҳбатлар қилардим... Ундан такрор-
такрор эртақ эшитардим... Балки, одам бў-
лиш илинжида алланималар излаб, аллани-
малар ёзиб юрган дарбадар ўғлини Онам
тушунармиди?... Мен ҳам юрагимни очола-
рдим? Бу юракнинг-да дилдан гапиришга
ҳақки бўлармиди? Афсус.

“Соғинч” шеъри шундай бошланади:

*Болаликка қайтса бу учқур тулпор,
Арпа тутиб, беда ўргим келяпти.
Дарёдай кўнглимга сизмаган қил бор,
Онамни жудаям кўргим келяпти!*

Қолгани-да куйма сатрлар-ла давом этади.

Шоир онаси ўғитлари “Шукронаси бўлган
уйга бахт келади”, она энг кўп такрорлайдиган
“Аллоҳ чевар” ибораларини ишлатиб, гўзал
шеърлар ёзганки... Ўқиб онахоннинг нақадар
донишманд эканликлариға гувоҳ бўламиз.

“Икки кўшиқ” шеъри шундай:

*Расул Ҳамзатов фикрича...
Мен учун дунёда икки кўшиқ бор,
Қолганлари узра қизил чизик бор,
Бири – онажоним айтган алласи,
Бири – бу дунёнинг жами ялласи!*

Дарҳақиқат, шундай. Дунёдаги энг сеҳрли,
энг мўъжизакор кўшиқ она алласи. Алла шун-
дай кучга эгаки, унда айтилган орзулар рўёб
бўларкан. Ким билсин, Муҳайёхон она алла-
ларида неларни жамлаган экан. Балки, ўғлини
яхши Инсон бўлишини дуо-кўшиқларида сўра-
гандир. Балки, ўғилгинасини ижодкор, шоир
бўлишини орзу қилиб алла куйлагандир. Бугун
ўша аллалардаги орзулар рўёбини кўриб туриб-
миз. Ўғли чин Инсон! Катта шоир, ижодкор.
Онасига атаб китоб ёзди...

Бир сўз билан, бу дурдона китобни Ҳазра-
ти Мунис Она сиймосига кўйилган Обида, деб
атардим. Барча ўтган оналаримизнинг охира-
лари обод бўлсин...

Зикрилла МУҲАММАД

**Баъзан юрак тўлиб кетади.
Аллакимга дилингни очгинг
келади. Эркалигинг тутати.
Хайхот, тилинг учида турган
гапни айтолмайсан.**

Бири туйғунгни камситса, яна бошқаси ту-
шунмайди. Шукрки, Яратган Эгам тилидаги
дилида қолмасин, деб Инсонга шундай Зоти
мухтарамни ато этганки, қанча дардинг бўлса
айтавер. Эшитаверади, дуолари билан асрай-



ОБОДЛИК КўНГИЛДАН БОШЛАНАДИ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2026-йилги
Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва
уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига кўра, юртимизда
Наврўз умумхалқ байрами кенг миқёсда нишонланади.
Шу муносабат билан байрам арафасида барча ҳудудларда
ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари
бўлиб ўтади.

Хусусан, 13–14-март кунлари умумхалқ хайрия ҳашари ташкил етилади.
Ҳашар доирасида республиканинг барча ҳудудлари, кўча ва майдонлар,
маҳалла, туман ва шаҳарлар чиқиндилардан тозаланади. Дарахтлар парвари-
шига алоҳида эътибор қаратилади.

Қолаверса, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида «Мен ҳам
кўчат екаман» аксияси ташкил етилади ва барча белгиланган ҳудудларда да-
рахт ва бута кўчатлари ўтказилади.

Қадрли юртдошлар! Барчангизни ушбу тадбирларда фаол иштирок
етишга чақирамиз. Юртимиз ободлиги, яшиллик даражасининг янада оши-
шига ўз ҳиссангизни қўшинг



ТОК БИЛАН БАЛИҚ ОВЛАГАНЛАРГА ҚАМОҚ ЖАЗОСИ

Жиноят ишлари бўйича Ўрта Чирчиқ туман судида Туябўғиз сув омбори ҳудудида электр токи ёрдамида ноқонуний балиқ овлаганларга суд ҳукми ўқилди.

Маълумот учун, Тошкент вилояти Экология ва иқлим ўзгариши бош бошқармаси ходимлари томонидан тунги рейд давомида Туябўғиз сув омбори ҳудудида электр токи ёрдамида 22 дона балиқ ноқонуний тарзда овланганлигини аниқлаган эди. Натижада табиатга 165 миллион сўм миқдорида зарар етказилганлиги маълум бўлган ва ҳужжатлар тегишли ташкилотларга юборилган.

Ҳолат Жиноят ишлари бўйича Ўрта Чирчиқ туман судида кўриб чиқилди. Суд томонидан ноқонуний балиқ ови юзасидан икки нафар ҳуқуқбузар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 202-моддаси 4-қисмига асосан айбли деб топилиб, Ш. С. 3 йил 9 ой, Ш. С. эса 4 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Шунингдек, етказилган зарар ундирилиши белгиланди.

Маълумот учун, 11-мартдан 31-майгача Амударё ва Сирдарёда, 26-апрелдан 10-июнгача Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги табиий сув ҳавзаларида балиқ овлашга тақиқ қўйилди. Шунингдек, бошқа барча табиий сув ҳавзаларида 16-апрелдан 31-майгача балиқ овлаш тақиқланди.

Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси Давлат экологик назорат инспекцияси ҳамда ҳудудий бошқармалар томонидан ноқонуний балиқ овлашга қарши рейд тадбирлари туну кун давом эттирилмоқда. Тақиқланган даврда балиқ овлаш қонунга кўра қатъий жавобгарликка сабаб бўлади.



Экологик тарбия — миллий тарбия ўзағи

Экологик тарбия, экологик дунёқараш ва маданият кўп жиҳатдан ижтимоийлашув шароитларида сайқал топади. Оилада, мактаб, техникум ва олийгоҳда тарбиянинг ана шу жиҳатига кўпроқ эътибор қаратилиши инсон ва табиат, атроф-муҳит, жамият ва экология ўртасида номуносивлик ҳақида тушунча берибгина қолмай, фарзандларимиз қалбида экологияга қизиқиш ва меҳр пайдо қилади. Шунинг баробарида буларнинг барчаси экологик маданиятни юксалтириш, атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш зарурлигини тақозо этмоқда. Бунинг учун эса инсон ўзида экологик маданият ҳислатларини намоён эта олиши зарур.

Экологик маданият, бу атроф-муҳит тўғрисида чуқур билимга, табиатни асраш туйғусига эга бўлиш, табиат заҳираларидан оқилона фойдаланиш, уларни кўпайтиришга қаратилган амалий фаолиятнинг юксак белгисидир. Ана шу ҳислатларни ўзида мужассамлаштира олган инсонни экологик маданиятли, деб аташ мумкин.

Табиат мусаффолигини таъминлаш, “Зарафшон” экологияси ҳамда Зарафшон дарёси сув ҳавзасини ҳимоя қилиш, ёшларда экологик маданиятни юксалтириш, экологик тарбия беришда янги интерфаол усуллари хусусида мактабимизда ҳам бир қатор ишларни амалга ошираяпмиз. Ёшлар билан турли мавзуларда учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Ушбу учрашувларда маҳалла фаоллари, туман экология бўлими вакиллари ҳам иштирок этишиб, миллий ва маънавий таълим-тарбия экологик таълим-тарбия билан чамбарчас эканлиги хусусида, экологик маданиятни шакллантиришнинг миллий-маданий, умуминсоний, тарихий асосларидан фойдаланиш, табиат қонунларига илмий-амалий жиҳатдан ёндашиш, экологик таълимда илғор педагогик технологиялар ва ахборот воситаларидан фойдаланиш, оммавий ахборот воситаларида атроф-муҳитни муҳофаза қилишда ҳар бир фуқаронинг ўрнини оширишга қаратилган муҳим вазифалар хусусида батафсил маълумотлар беришмоқда.

Хулоса шуки, атроф-табиий муҳитни муҳофазалаш, аҳоли саломатлигини сақлаш фақатгина давлат ва жамоат ташкилотлари вазифаси бўлиб қолмасдан, балки ҳар бир фуқаронинг ҳам бурчи эканлигини англамоғимиз даркор. Энг муҳими, ўсиб келаётган ёшларимиз онгига “Табиат — бу мен ва сен, биз яшайдиган макон, табиат — бу Ер қурраси мавжудотлари яшайдиган ягона замин”, деган тушунчани сингдирмоғимиз лозим.

Мирҳасан КИЧИБАЕВ,
Самарқанд туманидаги 22-сон умумий ўрта таълим мактаби
директори



МУАССИСЛАР:

Экология ва иқлим
ўзгариши миллий
қўмитаси

Ўзбекистон
маҳаллалари
уюшмаси

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкilotлари миллий
ассоциацияси

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати – Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси

Тахрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Акмал САИДОВ
Ақтам ҲАЙИТОВ
Камолиддин
ИШАНХОДЖАЕВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Максуд
ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-310
Адади: 2505


Пайшанба кунини чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.

2024 йил 2 августда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 0010-рақам билан
рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун
телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ” дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6

Қайси мамлакат тараққиёт йўлини танласа, ислохотларининг барқарор бўлишини истаса, аввало, ёшларга таянади — уларга ишонч билдиради, иқтидорини рўёбга чиқариш учун имконият яратади. Шу боис давлатимиз раҳбари ёшларга оид давлат сиёсатини Янги Ўзбекистонда энг устувор йўналиш сифатида белгилаб келмоқда.

Президентимиз ҳар йили ёшлар билан бир неча маротаба учрашиб, уларнинг таклиф ва ташаббусларини тинглаб, амалиётга татбиқ этиб келаётгани —



айнан шу сиёсатнинг энг муҳим кўрсаткичидир. Йигит-қизларимиз ҳам ўз навбатида, бу эътибор ва ишончга муносиб жавоб бермоқда.

Яратилган имкониятлар натижа-сида бугун улар жаҳон фан олимпиадаларида 66 та олтин, 147 та кумуш, 221 та бронза медалини қўлга киритди. Гарвард, Ел, Принстон, Колумбия, Корнелл каби дунёнинг нуфузли олийгоҳларида таҳсил олаётган ёшларимиз 500 нафардан ошди. Буларнинг бар-

часи сўнгги йилларда Ўзбекистонда ёшларга оид олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг самарасидир.

Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз ёшлари билан мулоқотида ҳам эртаимиз эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доир муҳим янгиликлар тилга олинди. Янги-янги ташаббуслар, таклифлар илгари сурилди. Хусусан, жойларда эҳтиёжманд oilалардаги ёшларни бепул ўқитадиган ўқув марказларига қўшимча имтиёзлар берилиши минг-минглаб ёшларнинг айни дилидаги гап бўлди. Яъни, ер ва мол-мулк солиғидан озод қилиниши, коммунал харажатларининг ярми қоплаб берилиши, ўқитувчиларга тўланган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ “кешбэк” тариқасида қайтарилиши улар учун катта имконият ва рағбат бўлади.

Қайд этиш жоизки, ахборот ху-

ружлари авж олаётган бугунги даврда ёшлар ўртасида китобхонликни оммалаштириш масаласи долзарб вазифага айланмоқда. Шу маънода, бу йўналишда ишларни янги босқичга олиб чиқиш учун “Китобхонлик маданиятини ривожлантириш” жамғармаси орқали энг истеъдодли ёзувчиларга ижодий буюртма берилиши ва бир йил давомида ойига 20 миллион сўмдан ҳақ тўла-ниши энг тўғри ва оқилона қарор бўлди, деб ўйлайман.

Энг сара хорижий адабиётларни ўзбек тилига, миллий адабиётларни хорижий тилларга таржима қилиш ва чоп этиш харажати-нинг ярми қопланиши ҳам миллий маънавиятимизни бойитиш, китоб бозорини кенгайтириш ҳамда ўзбек адабиётини дунёга олиб чиқиш учун катта рағбат бўлади.

Умуман олганда, мулоқотдаги устувор йўналишлар битта мақсадга хизмат қилади: ҳар бир ёш учун таълим, касб, иш, даромад ва келажак кафолатини яратиш.

Бобуржон ИБРАГИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Академияси 228 гуруҳ
курсанти



TURON BANK



“Туронбанк” АТБ

Самарқанд банк хизматлари маркази жамоаси

Азиз юртдошларимизни, банк мижозларини яқинлашиб
келаётган қўшалоқ байрамлар — Рамазон ҳайити ва
Наврўзи олам билан самимий қутлайди. Элимизга тинчлик,
хотиржамлик, оилавий тотувлик тилаймиз.
Байрамлар муборак бўлсин!

Агар тизим ҳалол бўлмаса, қонун қанчалик мукаммал бўлмасин, ишонч барибир йўқолади. Айниқса, гап одамларнинг молиявий хавфсизлиги ва келажакка бўлган ишончи билан бевосита боғлиқ суғурта тизими ҳақида кетаётган экан, бу масала янада долзарб аҳамият касб этади. Шу боис коррупцияга қарши кураш бугун фақат ҳуқуқий ёки ташкилий вазифа эмас, балки жамият барқарорлигини таъминловчи муҳим омилга айланмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида айнан шу масалага алоҳида ва устувор эътибор қаратди. Давлат раҳбари коррупцияни алоҳида тизимлардаги камчилик сифатида эмас, балки мамлакат тараққиёти, инвестицион муҳит ва жамиятда адолат тамойилларига жиддий таҳдид солувчи хавфли иллат сифатида баҳолади. Қатъий позицияга кўра, коррупцияга қарши кураш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар зиммасидаги вазифа бўлиб қолмаслиги, балки ҳар бир вазирлик, идора ва тизимнинг кундалик фаолиятида ҳалоллик ва шаффофликни таъминлаш орқали олиб борилиши лозим.

Мурожаатномада давлат ва хўжалик бошқаруви органларида ички назорат ва комплаенс механизмларини кучайтириш, раҳбарларнинг

шахсий масъулиятини ошириш ҳамда қарорлар қабул қилиш жараёнларида очиқликни таъминлаш зарурлиги алоҳида қайд этилди. Давлат раҳбари коррупцияга қарши курашда оқибатлар билан курашишдан кўра, коррупцияни келтириб чиқараётган тизимли сабабларни бартараф этиш муҳимлигини таъкидлади.

Бу ёндашув, айниқса, молия сектори, хусусан, суғурта тизими учун бевосита долзарбдир. Чунки суғурта тизими фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари учун молиявий хавфларни камайтиришга хизмат қилувчи муҳим институт ҳисобланади. Ушбу тизимда юзага келадиган ҳар қандай адолатсизлик ёки шаффофликнинг етишмаслиги нафақат алоҳида мижозга, балки бутун жамиятда ишонч муҳитига путур етказди. Шу боис Президент томонидан илгари сурилган коррупцияга қарши қатъий ва тизимли сиёсат суғурта соҳасида ҳам ҳалоллик, очиқлик ва масъулиятни таъминлаш масаласини кун тартибининг энг долзарб мавзусига айлантирмоқда.

Суғурта тизимидаги коррупция кўпинча катта жиноятлардан эмас, балки оддий ва кундалик жараёнлардан бошланади. Шартнома тузиш, суғурта ҳодисаси юз берганда зарар миқдорини баҳолаш, тўловни тасдиқлаш ёки рад этиш — буларнинг барчаси, аввало, инсон қарорига боғлиқ. Айнан шу нуқталарда шаффофлик етишмаса, тизим секин-аста бузила бошлайди. Масалан, шартнома тузишда айрим талабларнинг атайлаб тушунтирилмаслиги ёки мураккаб бандларнинг яширилиши кейинчалик мижозни қийин аҳволга солади. Зарарни баҳолаш жараёнида эса “кўз юмиш” ёки аксинча, сунъий равишда зарар миқдорини камайтириш ҳолатлари учраши мумкин. Тўлов масаласига келганда эса “тезлаштириш” эвазига норасмий таклифлар пайдо бўлиши коррупциянинг энг хавфли кўринишларидан биридир.

Бундай ҳолатлар, аввало, назорат механизмларининг кучсизлиги билан боғлиқ. Ички назорат бўлинмалари мустақил бўлмаса ёки уларнинг ҳулосалари эътиборсиз қолса, ходимлар ўзини жавобгарликдан холи ҳис қила бошлайди. Адолатсиз ёки рағбатлантиришга асосланмаган иш ҳақи тизими ҳам коррупцион хатти-ҳаракатларга ундовчи омилга айланади.

Нима қилиш керак?

Аввало, ички назорат ва аудит тизимлари ҳақиқатан мустақил бўлиши шарт. Назорат қоғоздаги ҳисоботлар билан чекланиб қолмаслиги, реал жараёнларни кўра олиши ва баҳолаши керак. Агар аудит ҳулосалари раҳбарият хоҳишига қараб “юмшатиlsa” ёки эътиборсиз қолдирилса, бундай назоратнинг фойдаси бўлмайди.

Ишонч — суғуртанинг энг қиммат “капитали” ҳисобланади. Уни йўқотиш нафақат компания обрўсига зарар келтиради, балки бутун иқтисодиётга салбий таъсир қилади: тадбиркорлар ва фуқаролар қутилмаган хатарлар олдида суғуртага мурожаат қилмай, рискларни ўз ҳисобларига қоплашга мажбур бўлади. Шу тариқа, коррупцияга қарши кураш — бу нафақат молиявий, балки ижтимоий барқарорликни таъминловчи асосий омилга айланади.

Жасурбек АСАДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекинвест» экспорт-импорт суғурта компанияси» акциядорлик жамияти
Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департаменти бошлиғи

